

35 Ягона Ватан,
ягона халқ бўлиб,
янги ҳаёт ва
келажак яратамиз!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA № 16 (1584) 2026-YIL 24-APREL, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Aдолat



Орамиздаги одамлар



Соҳибқирон
ФАОЛИЯТИГА
ЯНГИЧА
НАЗАР



ЎЗБЕКИСТОН

ПЛАТФОРМАЛИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА
ИНСТИТУЦИОНАЛ
ЎЗГАРИШЛАР
ОСТАНАСИДА



ЖАМИЯТ ВА БИЗНЕС ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

Тадбиркор Мурод Назаров ҳақида нималарни биламиз?



Партия дастури — амалда!

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга ошири-
лаётган туб ўзгаришларнинг негизи инсон қадр
ва унинг манфаатлари атрофида қарор топаётган
янги ижтимоий сиёсатдир. Айнан маҳалла — ушбу
сиёсатнинг биринчи синов майдони, ислохотлар
самарасини бевосита ҳис қилиш мумкин бўлган
маскан. "Адолат" социал-демократик партияси ҳам
ўз фаолиятини кўпроқ маҳаллалар сари йўналти-
риб, халқ ичига кириб бориш, айнаи вақтда парти-
явий ташаббусларни аҳоли билан бирга амалга
ошириш тамойилига таянмоқда.



МАҲАЛЛА —
ИСЛОХОТЛАР КЎЗГУСИ ВА
ХАЛҚ БИЛАН МУЛОКОТ МАСКАНИ





МАҲАЛЛА

ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ ВА ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ МАСКАНИ

1 Шу маънода, партия Сийёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция раҳбари Робохон Махмудовнинг Ангрэн шаҳрига сафари ҳар жиҳатдан самарали кечди. Партия етакчиси ҳудуддаги бир неча маҳаллада бўлиб, маҳалла идоралари фаолияти, мактабгача таълим, маданият ва спорт, хотин-қизлар бандлиги ҳамда оила мустақамлиги бўйича амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиди, жойларда долзарб масалаларни изчил таҳлил этиш мақсадида аҳоли вакиллари, мутасаддилар ва соҳа мутахассислари билан мулоқот ўтказди.

"МИРЗО УЛУҒБЕК" МАҲАЛЛА МАРКАЗИ: ЯНГИ ТИЗИМ, ЯНГИ ҚИЁФА

Ўрганишлар дастлаб Ангрэн шаҳридаги "Мирзо Улугбек" маҳалла идорасидан бошланди. Партия раҳбари бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча янгиланишларнинг остонаси айнан маҳалладан бошланаётганини алоҳида таъкидлаб, нафақат марказий, балки энг чекка ҳудудлардаги маҳалла идоралари ҳам замонавий қиёфа касб этиб, халққа хизмат кўрсатишнинг мутлақо янги тизимига ўтаётганини қайд этди. Робохон Махмудова илгариги пасткам ва эски бинолар ўрнида бугун маҳалла "еттиллиги"нинг самарали фаолият юритиши учун барча қўлайликларга эга ёрғу ва шинама хоналар бунёд этилгани, ҳақиқатан, ҳавас қилгулик эканини таъкидлади. Мазмулотларга кўра, "Мирзо Улугбек" маҳалласида 1 555 та хонадон, 2 089 та оила мавжуд бўлиб, уларда 4 688 нафар аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла маркази эса фуқаролар учун хизмат кўрсатувчи яхлит мажмуага айланган. Замонавий сартароҳона ва тикувчилик хонаси хотин-қизлар ҳамда ёшлар бандлигини таъминлашга хизмат қилаётган бўлса, дориона, озиқ-овқат дўкони ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш мини цехи аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришда. Мактабгача таълим ташкилотининг мавжудлиги эса ёш авлод тарбияси ишончли кўлларида эканидан далolat бермоқда.

Мулоқотда маҳалла фаоллари мазкур янгиланишлар замирида нафақат давлат эътибори, балки маҳаллий тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатлари ҳам ётганини таъкидлаб ўттиди.

Маҳалла адолат ва ҳамжиҳатлик маскани эканини амалда исботлаб, унинг ривож учун беминнат ҳўммат кўрсатаётган Алъзам Назаров каби тадбиркорлардан аҳоли миннатдор.

– *Бизнинг мақсадимиз – мана шундай замонавий маҳаллалар сонини кўпайтириш ва "еттилик" тизимини халқинигинагина кўпайтириш ва янгилаштиришдир, – деди Робохон Махмудова.* – *Зеро, маҳалла оёбод бўлса, юрт оёбод бўлади, инсон қадрни қарор топади.*

"INDIGO" БОҒЧАСИ: ТАДБИРКОРЛИК ВА ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТ УЙҒУНЛИГИ

Маҳалла марказидан сўнг навбатдаги манзил "Мирзо Улугбек" маҳалласида янгидан қад ростлаган "Indigo" номли давлат-хусусий шерикликдаги мактабгача таълим ташкилоти бўлди. Партия етакчиси муассаса фаолияти билан танишар экан, юртимизда кечаётган ислохотларнинг бош мақсади – инсон қадрини улуглаш ва фарзандларимизнинг порлоқ келажagini таъминлашдан иборат эканини таъкидлади.

Таъкидлаганидек, давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим ташкилотларининг ташкил этилиши нафақат соҳадаги қамровни кенгайтирмоқда, балки маҳаллаларда ижтимоий муҳитни тубдан яхшилашга ҳам хизмат қилмоқда. Икки қаватли, замонавий қиёфа касб этган ушбу бино 175 нафар болажон учун мўлжалланган. Муассаса замон талабларига тўлиқ мос равишда қайта таъмирланиб, жажжи авлоднинг ҳар томонлама соғлом ва билимли бўлиб улғайиши учун барча қўлайликлар яратилган. Бу ерда

болажонлар учун махсус жиҳозланган 5 та гуруҳ фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, ўқув машғулотлари хоналари, шинама ётоқхона, замонавий ошхона ва спорт зали ёш авлод ихтиёрида. Ҳар бир хона ва очик ҳаводаги болалар майдончалари хавфсизлик ҳамда эстетик талаблар асосида бунёд этилган.

Ўрганиш доирасидаги мулоқотда мактабгача таълим тизимидаги ислохотлар, ёшлар тарбияси ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. – *Биз учун асосийси – ҳар бир боланинг маҳалласидан чиқмай туриб, сифатли таълим-тарбия олишига эришишидир, – деди Робохон Махмудова.* – *"Мирзо Улугбек" маҳалласидаги ва каби масканлар келажакда буюк олимлар, ва-танпарвар инсонлар камол топаётган маърифат ўчоғи бўлиши, шубҳасиз. Зотан, болажонларимизнинг кувончи ва уларнинг камоли – адолатли жамият куриши йўлидаги энг катта ютуғимиздир. Биз бу каби хайрли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини мустақамлашда давом этамиз.*

"ЯНГИ АНГРЭН" МАЖМУАСИ: МАЪНАВИЯТ ВА СПОРТ УЙҒУНЛИГИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Болажонлар тарбия топаётган маскандан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнг фракция раҳбари ёшлар ва катталар маънавий-ижтимоий камолоти билан боғлиқ муҳим ижтимоий манзилга — "Мирзо Улугбек" маҳалласидаги собиқ "Дукент" маданият маркази негизидан барпо этилган "Янги Ангрэн" маданият ва спорт мажмуасига йўл олди. Робохон Махмудова мажмуа фаолияти билан танишар экан, жамиятда адолат ва маърифат барқарор бўлиши учун инсоннинг ҳам жисмонан, ҳам маънаван соғлом бўлиши муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қайд этилганидек, юртимизда эски ва қаровсиз қолган иншоотларни янги ҳаёт бахш этган ҳолда халққа қайтариш хайрли аънаъага айланган. Масканиннинг бугунги замонавий ва фазилли кўриниши айни вақтида билдирилган тўрғи тақлиф ва пухта ишлаб чиқилган лойиҳаларнинг амалий самарасидир.

Мажмуа нафақат ташқи қиёфаси, балки фаолияти ранг-баранглиги билан ҳам диққатга сазовор. Бу ердаги "BOOK CAFE" ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурган. Китобхонлик маданиятини юксалтириш – миллат тафаккурини бойитиш эканини яқин англаган ҳудуд аҳолиси, айниқса, ўқувчи-ёшлар бундан умумий фойдаланмоқда. Тасвирий ва амалий санъат тўғрақлари, шунингдек, миллий қадриятларимизни тарғиб этувчи фольклор ансамблининг мавжудлиги маҳаллада маданий муҳитнинг нақадар бой эканидан далolat беради.

Тадбир давомидаги мулоқотда айтилганидек, маданият ва спортнинг бир мажмуада жамланиши ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш билан бирга, жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга ҳам йўл очади.

– *Биз учун энг муҳими, маҳалла ақли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзлари истаяган йўналишда ишоб қилиши, спорт билан шугулланишлари учун шароит яратилганидир, – деди Робохон Махмудова.* – *Бу каби мажмуалар жамиятда ижтимоий аҳилликни мустақам-*

ловчи, маданият нафасини ҳар бир хонадонга олиб кирувчи маърифат маркази бўлиб хизмат қилади. Шубҳа йўқки, маданият бой, китобга меҳр қўйган ва жисмонан соғлом авлоди бор халқнинг келажаги ҳамisha порлоқ бўлади. Биз бундай эзуу ташаббусларни доимий қўллаб-қувватлаймиз.

"ОИЛАЛАР МУСТАҲҚАМЛИГИНИ КАФОЛАТЛАЙЛИК!"

Хотин-қизлар бандлиги ва ижтимоий ҳимоясига оид масалалар партия раҳбарияти, фаоллари, мутасаддилар, соҳа мутахассислари, шунингдек, маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этган навбатдаги йирик тадбирда янада чуқурроқ муҳокама этилди. "Мирзо Улугбек" маҳалласида ўтказилган "Оилалар мустақамлигини кафолатлайлик!" акцияси доирасидаги давра суҳбати оила – жамиятнинг узвий бўлаги экани, унинг мустақамлиги нафақат маънавий барқарорлик, балки мамлакат истиқболининг гарови ҳамдир, деган гоё атрофида қизгин мулоқот ва муҳим ташаббусларга бой тарзда ўтди.

Тадбирни Ангрэн шаҳар ҳўкими Алишер Райимов кириш сўзи билан очиб берар экан, ҳудудда ижтимоий муҳитни соғломлаштириш ва оилалар фаровонлигини ошириш боридаги долзарб вази-фаларга тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг партия Сийёсий Кенгаши раиси Робохон Махмудова жамиятимиздаги энг огриқли нуқталарга тўхталиб, бу борада жиддий эътибор қаратилиши керак бўлган жиҳатлар ҳақида сўз юритди: – *Афсуски, арзимас сабаблар билан ажрашган оила оилалар тақдирини, нотиш хонадонларда қузатилган жиноятлар барчамизни бирдек ташвишга солимоқда, – деди партия етакчиси.* – *Кўп ҳолларда оилалар парокандчилиги, болаларини етим қолдишга аёллар ва воёва етмаганларга нисбатан қилина-ётган зуравонликлар сабаб бўлмоқда.*

Сийёсий Кенгаши раиси ўз нутқида адолат остонадан, яъни оиладан бошланганини алоҳида таъкидлаб, жамиятда хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича мутлақо янги тизим яратилганини эътироф этди. – *Яхши биласизки, илгари бундай ҳолатлар "оиланинг шахсий масаласи" сифатида ёпилиб қозон ёпилишига қолиб, яшириб келинарди, – деди Робохон Махмудова.* – *Бирок буенг вазиет тубдан ўзгарди. Бундай лоқайдлик инсон тақдирига, миллат келажагига хиётан экани аёнлаб етдиқ. Шу боис, давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг 3 мартда қабул қилинган фармон мавжуд тизимни мутлақо янги босқичга олиб чиқди.*

Давра суҳбати давомида партия фаоллари, соҳа мутахассислари томонидан тизимли таҳлиллар баён қилинди. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нодира Жанибекова аёллар ва болаларни зуравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ва бу борада депутатлар зиммасига юкланган юксак масъулият ҳақида сўз юритди.

Мухтасар айтганда, Ангрэн шаҳрига уюштирилган ушбу хизмат сафари маҳаллабай ишлаш тизимининг амалда қандай натижа бераётганини кўрсатувчи кичик, бироқ ёрқин кўзгу бўлди. Замонавий маҳалла идораси, давлат-хусусий шериклик асосидаги боғча, янги ҳаёт бахш этилган маданият ва спорт мажмуаси, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш маркази ҳамда оила мустақамлиги бўйича кенг жамоатчилик иштирокидаги мулоқот – булар ҳаммаси битта занжирнинг ҳалқалари: инсон қадрини улуглаш ва адолатли жамият куриш йўлидаги амалий оқимлардир.

Зотан, "Адолат" социал-демократик партияси учун маҳалла шунчаки маъмурий бирик эмас, балки партиявий фаолиятнинг бош майдонидир. Мана шундай учрашулар, мулоқотлар ва аниқ ташаббуслар орқали партия ҳақ билан доимий мулоқотда бўлиш, жойлардаги муаммоларни бевосита жойида ўрганиб, қонунчилик йўли билан ҳал этиш вазифасини самарали амалга оширади.

Зеро, маҳалла оёбод бўлса, юрт оёбод бўлади, инсон қадрни қарор топади.

– *Адолат" СДП матбуот хизмати*

"Нуроний" жамгармаси Ангрэн шаҳар бўлими раиси Эсонали Қарабаев эса зуравонликка қарши курашишда миллий тарбиянинг урни ва бу жараёнда эркакларнинг оила олдидаги бурчи масалаларига тўхталиб ўтди. Учрашув иштирокчилари яқинлик билан таъкидлаганларидек, оилада зуравонлик ва адолатсизликка нисбатан жамиятда мурасасизлик муҳитини яратиш – бугуннинг энг муҳим талабидир.

Давра суҳбатида маҳаллалардаги "еттилик" тизими ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда амалга оширилаётган "йўл харитаси"ни белгилаб олиш бўйича тақлифлар илгари сурилди.

Тадбир сўнггида «Адолат»чилар сифида бўлиш истигани билдирган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар партия аъзоллигига қабул қилинди. Робохон Махмудова янги сафдошларга аъзолик гувоҳномаларини топшириб, уларга ижтимоий адолатни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларида муваффақият тилади.

"БОБО-ТОҒ" МАҲАЛЛАСИ — АЁЛЛАР БАНДЛИГИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯНИНГ НАМУНАЛИ МАНЗИЛИ

Сафар доирасидаги навбатдаги манзил Ангрэн шаҳридаги "Бобо-тоғ" маҳалласи бўлди. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар "маҳаллабай" ишлаш тизими доирасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бандлигини таъминлаш орқали оилалар фаровонлигини оширишга қаратилган эзуу мақсадларнинг ҳаётий ҳақиқатга айланаётганини таъкидлади.

Партия раҳбари таъкидлаганидек, аёли эъзоланган, хотин-қизларнинг орзу-ниятлари қанот қоққан юртда фазл ва барака бўлади. Илгари маҳалла аёллари ўз иқтидорларини намоён этиш ёки хунар ўрганиш учун узок масофа босиб, шаҳар марказига боришга мажбур бўлган. Бугун эса вазиет тубдан ўзгарган – маҳалланинг ўзида яратилган шароит хотин-қизлар ҳаётига янгица оҳанг олиб кирмоқда.

Жумладан, "Оила ва хотин-қизлар маскани" маҳалла аёллари учун ҳақиқий маҳорат мактабига айланган. Бу ерда тикиш-бишиш ва қандолатчилик сирларини ўрганаётган хотин-қизлар хунар ағаллаб, жамиятда ўз ўрнини топмоқда. Маҳаллада янгидан ташкил этилган "Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустақамлаш маркази" эса улар учун икки қарра имконият эшигини очган: бу ерда ҳам бандлик, ҳам соғлом турмуш тарзи бир нуқтада муҷассамлашган.

Марказда йўлга қўйилган қандолатчилик ва тикувчилик йўналишлари бўйича амалий машғулотлар натижасида қўллаб хотин-қизлар мустақил даромад манбаига эга бўлмоқда. Бу эса оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, маҳалланинг умумий ижтимоий қиёфасини ҳам юксалтиради.

– *Дарҳақиқат, хунарли аёл – жамият таянчи, оиланинг чироғидир, – деди Робохон Махмудова.* – *"Бобо-тоғ" маҳалласидаги ва каби хайрли ишлар инсон қадрини улуглашга қаратилган катта ислохотларини кичик, бироқ ширин меваси, албатта.*

Муносабат

МИЛЛИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

Давлатимиз раҳбарининг мустақиллигимизнинг 35 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутадиган, стратегик аҳамиятга эга ҳужжат сифатида қарши олинди.



Тоҳир ПОЛВОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Сабаби, мазкур қарор нафақат улуғ сана – истиқлол байрамини юксак савияда ўтказиш, балки мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқларни чуқур таҳлил қилиш, уларни кенг жамоатчиликка етказиш ва халқимиз қалбига миллий гуруҳ ҳамда ватанпарварлик туйғуларини янада мустақамлашни назарда тутди.

Депутат сифатида алоҳида таъкидлашни истардимки, ушбу қарорда белгиланган устувор вазифалар мамлакатимиз таракқийнинг бугунги босқичида амалга оширилаётган кенг қўламини ислохотлар билан узвий боғлиқдир. Хусусан, унда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, маданий-маърифий тадбирлар, нарий-амалий анжуманлар, ижодий танловлар ва тарғибот ишлари орқали мустақиллик гоёсининг мазмун-моҳиятини кенг ёритиш, айниқса, ёшлар онгига чуқур синдириш кўзда тутилган.

Бу эса, ўз навбатида, ёш авлодни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, фуқаролик масъулияти ва ташаббускорлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Эътиборисиз, мазкур қарор доирасида ҳудудларда кенг қўламини ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилиши, замонавий ижтимоий объектлар – таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва маданият муассасалари барпо этилиши режалаштирилган. Бу эса байрамнинг мазмунан бой, амалий натижага эришилган ҳолда ўтишини таъминлайди ва аҳоли турмуш сифатини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, қарор орқали жамиятда миллатлараро тотуванк ва диний бағрикенглик муҳитини мустақамлаш, фуқаролар ўртасида ҳамжиҳатликни янада қучайтириш, "Янги Ўзбекистон" гоёси атрофида жишсаишиш каби муҳим мақсадлар илгари сурилган.

Ишончим комил, ушбу қарор ижроси натижасида юртимизнинг барча ҳудудларида мустақиллик байрами юксак савияда, халқимизга хос шуқуҳ ва бунёдкорлик руҳида кенг нишонланади.

"ИНСОН" ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА

Жорий йил 17 апрель куни Президентимиз томонидан ижтимоий ҳимоя муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳадаги қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар тақдими то билан танишилгани мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш сиёсати изчил давом этаётганини яна бир бор намоён этди.



Мухаббат ШАРОПОВА,
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати

Педагог сифатида айтмоқчимиз, Президентимиз томонидан 3 ёшгача ривожланишида нуқсон борлиги аниқланган болалар учун илк бор "Эрта аралашув" хизмати босқичма-босқич жорий этилаётгани айни мутдао бўлди. Негаки, ривожланишида нуқсон бор болаларга махсус педагоглар ва даволувчи жисмоний тарбия йўналишлари педагогик ёрдам ва жисмоний ривожлантириш машғулотлари кўрсатиши талаб этилади. Энди давлатимиз раҳбари кўрсатмалари асосида бу каби хизматлар йўлга қўйилади.

Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар учун 2026 йил давомида босқичма-босқич янги ижтимоий хизматлар, хусусан, "Янги кун" кундузи қараб туриш хизмати, уй шароитида қараб туриш хизмати, кичик ҳамжли "Мадад" уйи хизмати ва "Ижтимоий таътил" қисқа муддатли жойлаштириш хизмати йўлга қўйилади.

Дарвоже, эҳтиётчанд оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, боқувчисини йўқотганлар ва ижтимоий қўлаки муҳтож фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор жамият барқарорлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Ижтимоий хизматлар сифати оширилиши, уларнинг манзилли ва шарофат тизим асосида йўлга қўйилиши аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилади.

Конституциямида белгиланганидек, давлатимиз раҳбари саъй-ҳаракати билан "ижтимоий давлат" тамойилларини инобатга олган ҳолда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янада жонлан-тирди. Шундан келиб чиқиб, Қашқадарё вилоятида ҳам Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси, туман ва шаҳарларда "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилди. Айни кунларда ташкил этилган янги тузилма орқали аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича катта ишлар амалга ошириляпти. Йил бошидан буён ижтимоий қўмакка муҳтож ва "Аёллар дафтари"га киритилган 76 минг нафардан зиёд аёлларга қўмақлашилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари, "Адолат" СДП вилоят ва шаҳар, туман кенгашлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари қўмағида ёрдамга муҳтож ва ишиси қийналаётган 43 минг нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. 2 мингдан зиёд аёлга 25 миллиард сўм кредит ажратилди. Қўйналиб қолган 33 минг оилага 29 миллиард сўм ҳамжида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

"Адолат" СДП Сайлоовиди дастурда ҳам ижтимоий адолат, тенг имконият ва аҳолининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Шу нуқтани назардан, мазкур ташаббуслар партияимизнинг дастурий мақсад ва гоёлари билан ҳамохандир.



“ЧАНГ”ДА ЭНДИ ЧАНГ ЙЎҚ

МУАММО “АДОЛАТ” ҚАБУЛХОНАСИ ЁРДАМИДА БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Учкўприкдаги маҳалланинг номи “Чанг”. Ўзи ҳам номига мос: ёзда чанг, қишда эса тизза бўйи лой. Аҳоли учун бу йиллар давомида ечилмаган ижтимоий оғриқ эди.

“Наврўз”, “Гузар”, “Обод диёр” ва “Мустақиллик” кўчаларида яшовчи аҳоли учун куз келиши билан ҳақиқий синов бошланарди. Мактаб ўқувчи-

ларининг лой кешиб дарсларга бориши, “тез ёрдам” машиналарининг ички кўчаларга киришга қийналиши маҳалланинг энг оғир муаммосига

айланган, кўп сонли мурожаатлар, ижтимоий тармоқлардаги эътирозлар ўз ечимини кутаётганди.

Маҳалла аҳли ушбу масалада маҳаллий Кенгаш депутати Исроилжон Турдалиевга мурожаат қилди. Халқ вакили вазиятни ўрганиб, шунчаки ваъда бериш билан чекланмади. Масала юзасидан юборилган асосланган депутатлик сўрови туман йўл қурилиш ташкилотлари

ва мутасаддиларнинг эътиборини ушбу кўчаларга қаратди. Кўп ўтмай, маҳалланинг тўртта йирик кўчасида 2 километрдан ортиқ масофага сифатли асфальт ётқизилди. Йўл чет-идаги дренаж тизимларига эътибор қаратилди.

Энг муҳими, маҳалланинг энг чекка нуқталари ҳам раvon йўлларга уланди. Фуқаролар депутат ва партия фаолиятдан мамнун.

Тоҳир САМИЕВ,
журналист

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУҚУКЛАРИ ТИКЛАНДИ

Табий газ ва электр энергияси – бебаҳо неъмат. Бугунги тараққиёт асри-мизни бу неъматларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Афсуски, айрим ҳудудларда электр энергияси таъминотида узилишлар бўлиб туради. Бу эса, шубҳасиз, истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади.



Сирдарё вилояти маъмурий маркази – Гулистон шаҳрининг “Маънавият” маҳалласидаги Мирзаев кўчасида истиқомат қилувчи аҳоли вакиллари ана шундай муаммодан азият чекишарди. Истеъмолчилар ушбу масала юзасидан халқ депутатлари Гулистон шаҳар Кенгаши депутати Носиржон Эгамбердиевга мурожаат қилишди.

Депутат масалани жойида ўрганди. Шундан сўнг Сирдарё вилоят электр тармоқлари бошқармасининг Гулистон шаҳар бўлимига депутатлик сўрови чиқарди.

Сўровга ўз муддатида жавоб олинди. Энг асосийси, муаммо тезликда бартараф этилди. Депутат ўз сайловчиларининг мурожаатига жиддий қараб, яна бир бор уларнинг ишончини оқлади.

“ЧАШМА” КАНАЛИ



Ободлик – оstonадан бошланади. Афсуски, кўп ҳолларда сув артерияларига бўлган беэътиборлик экологик муаммоларни келтириб чиқаради.

Халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши депутати Зафар Қобилов ана шундай масалага ечим топиш мақсадида “Намозгоҳ” маҳалласидаги “Чашма” каналини тозалаш ташаббусини илгари сурди.

Азалдан обихаёт манбаи ҳисобланган каналлар нафақат қишлоқ хўжалиги, балки шаҳар иқлими ва аҳоли саломатлиги учун ҳам муҳим. Бироқ вақт ўтиши билан “Чашма” канали ўзанида тўпланиб қолган лойка ва маиший чиқиндилар сув оқимига тўсиқлик қила бошлаган.

Бу эса сувдан нохуш хид таралиши, инфекция тарқалиш хавфининг ортиши, атроф-муҳит кўриниши бузилишига олиб келаётганди. Депутат ташаббуси билан ташкил этилган кенг кўламли ҳашарда махсус техника ва ишчи кучи жалб этилиб, канал ўзани тозаланиб, муаммо ечимини топди.

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ БИЛАН ПАРКЕНТ КЎЧАЛАРИДА

4 МИНГ МЕТРДАН ОРТИҚ ИЧКИ ЙЎЛЛАР РАВОН ҲОЛГА КЕЛТИРИЛДИ

Инсон қадрининг яшаш шaroити, юради-ган йўли ва кундалик ҳаётидаги қулайликлар билан ўлчанади. Айниқса, тоғли ва сўлим Паркент туманида раvон йўллар нафақат ҳаракатланиш воситаси, балки ҳудуднинг иқтисодий жонланиши ва аҳоли кайфиятининг кўзгусидир.



Халқ депутатлари Паркент тумани Кенгаши депутати Мавлуда Бердикулова “Ойбек” маҳалласидаги йиллар давомида тўпланиб қолган муаммога нуқта қўйди. “Янги ҳаёт”, “Орзу”, “Мустақиллик” ва “Батаи” кўчаларидаги хароб аҳволдаги йўллар аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлиб келаётганди.

Депутат вазиятни шунчаки кузатиб турмасдан, туман Ободонлаштириш бошқармасига депутатлик сўрови йўллади. Бу ўз самарасини берди. Қисқа муддатда 4000 метрдан ортиқ ички йўл тўлиқ асфальтлаштирилди. Шунингдек, йўл инфраструктураси тубдан янгиланиб, ҳаракат хавфсизлиги таъминланди.

ЯНА БИР АМАЛИЙ НАТИЖА

ШЕРОБОДДАГИ “ОЛТИН ВОҲА”ДА СУВ МАСАЛАСИ ҲАЛ ҚИЛИНДИ

Экин мавсуми бошланди. Табиийки, аҳолини тоза ичимлик суви ва қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган обихаёт билан таъминлаш энг долзарб масалага айланади.

Айниқса, мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларида, куёш тафти заминни эрта уйғотадиган Сурхон воҳасида бу эътиёж янада ёрқинроқ кўзга ташланади.

Халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши депутати Отабек Турсунов “Олтин воҳа” маҳалласида бўлиб, аҳолининг дардига қулоқ тутди. Урганишлар давомида маҳалланинг асосий сув манбаи бўлган артезиан қудуғи носозлик туфайли тўхтаб қолгани аниқланди.



ХИЗМАТЛАР СИФАТИ ТАНҚИДИЙ БАҲОЛАНДИ

Партия вакиллари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлари томонидан Навоий шаҳридаги “Маърифат” маҳалласи ҳудудида фаолият юритаётган бошқарув сервис компаниялари (БСКлар)нинг кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатиш ҳолати танқидий таҳлилий ўрганилди.

Жараён давомида соҳада қатор тизимли муаммолар, жумладан, суwt бошқарув, молиявий шаффофликнинг етишмаслиги ва аҳоли манфаатларига зид ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Худудда фаолият юритаётган “Хумо Зилола”, “Комфорт ҳаёт 151”, “Навоий Сервес ёрдамчи” каби БСКлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати талаб даражасига жавоб бермаслиги қайд этилди.

Жумладан, 2016–2017 йилларда фойдаланишга топширилган 20 дан ортиқ кўп қаватли уйларда бугунги кунга қадар фасад қисмлари таъмирланмаган, ташқи кўриниши эскирган, айрим уйлар эса узоқ вақтдан бери эътиборсиз қолган. Шунингдек, ички йўллар таъмирталаб ҳолда, ёмғир суви чиқариш тизимлари етарли даражада эмас, чиқинди йиғиш жойлари санитар талабларга жавоб бермайди.

Партия фаоллари ушбу муаммолар ечимини назоратга олди. Демак, бу мавзуга яна қайтамыз...

Худудий кенгашлар матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН

Тахлил

ПЛАТФОРМАЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ ЎЗГАРИШЛАР ОСТОНАСИДА

(Биринчи мақола)

Абдужаббор ОБИДОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Рақамли иқтисодиёт" кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори, Ёдгора ИЛҲОМОВА, кафедра мудир, иқтисод фанлари номзоди

ОДАТДАГИ ДУНЁНИНГ ТУГАШИ: РАҚАМЛИ МЕТАМОРФОЗА

Биз инсоният тарихининг шундай нуқтада турибмизки, эндиликда технология шунчаки турмушимизни енгилаштирувчи қулайлик ёки қўшимча восита эмас. У ижтимоий борлигимизни, иқтисодий алоқаларимизни ва ҳатто инсоний қиёфамизни қайта қураётган, тубдан ўзгариб кетган қудратли кучга айланган. Биз ўрганган одатдаги дунё ўз якунига етмоқда ва унинг ўрнини мутлақо янги, рақамли воқелик эгалламоқда.

Машҳур немис социологи Ульрих Бек таъкидлаганидек, замонавий дунё шунчаки ислохотларни эмас, балки «метаморфо-фаза»ни бошдан кечирмоқда. Бу тушунчанинг маъноси шундаки, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар шунчаки миқдорий эмас (масалан, компьютерлар сони кўпайиши), балки сифат жиҳатидан мутлақо янгилашди.

Олим бу жараёни капалакка айланган курт мисолида тушуниради. Курт капалакка айланганда шунчаки ўзгариш бўлади, унинг бутун борлиги, яшаш тарзи ва олами идрок этиши трансформацияга учрайди. Рақамли метаморфофа ҳам шундай: биз кечаги куннинг «ижтимоий курти» босқичдан чиқиб, рақамли дунёнинг «канотли» ва мураккаб тизимларига айланмоқдамиз. Бу жараёнда оdatий анъаналар, иш жойлари ва мулоқот шакллари парчаланмоқда, аммо уларнинг ўрнида янги имкониятлар куртак ёзмоқда.

COVID-19 пандемияси бу жараёни тезлаштириб юборди ва Клаус Шваб айтганидек, «Буюк қайта юканиш» даврини бошлаб берди. Эндиликда «рақамли бўлиш» – бу шунчаки замонавийлик эмас, балки тирик қолиш ва рақобатга бардош бериш шартидир.

Ўзбекистон учун бу жараён шунчаки глобал мода ёки тренд эмас. «Рақамли Ўзбекистон – 2030» ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиялари доирасида амалга оширилаётган ислохотлар – бу миллий иқтисодиётни модернизация қилиш ва ижтимоий институтлар самарадорлигини оширишнинг ягона ва муқобилсиз йўлига айланган.

НЕГА БУ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ?

Биз фақатгина смартфонлардан фойдаланишни эмас, балки давлат бошқарувини, таълимни, тиббиётни ва бозор муносабатларини янгича мантэк асосида қайта форматлашни бошладик. Бироқ бу метаморфофа нафақат кечис имкониятлар, балки янги ижтимоий зиддиятлар, «рақамли тенгсизлик» ва алгоритмлар ҳукмронлиги каби хавфларни ҳам ўзи билан бирга олиб келмоқда.

Шу боис биз оdatдаги дунё билан хайрлашар эканмиз, янги рақамли дунёда инсон омиллини, миллий ўзлигини ва ижтимоий адолатни қандай сақлаб қолиш ҳақида жиддий мушоҳада юритишимиз шарт.

ПЛАТФОРМАЛАР — ҲАЁТИЙ ИЖТИМОИЙ ЯНГИ «РАҚАМЛИ ТҶУМАСИ»

Илгари бозор деганда кўз олдимизга расталар, қизилкарли савдолашлар ва шовқин-сурон келарди. Бугун эса иқтисодий муносабатларнинг маркази смартфонизмдаги битта иловага кўчди. Биз нафақат харид қилиш усулиминизни, балки жамият сифатида яшаш тарзимизни ҳам ўзгартирдик.

Uzum феномени: биринчи миллий "яккашоҳ" ва янги экотизим

Ўзбекистон иқтисодиётида Uzum шунчаки сервис эмас, балки янги ижтимоий-иқтисодий институтга айланган. У маҳаллий бозорда "биринчи миллий яккашоҳ" (қиймати 1 миллиард доллардан ошган компания) мақомини олиб, рақамли инқилобни бошлаб берди.

Қамров ва масштаб: 2025 йил якунига қўра, Uzum экотизими фойдаланувчилари сони 20 миллиондан ошди. Бу мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи битта технологик тизим ичида эканини аниқлатади. Бу энди шунчаки дўкон эмас, балки молия, логистика ва хизматларни бирлаштирган гигантдир.

Ишонч трансформацияси: илгари биз сотувчининг кўзига қараб, товарни қўлимиз билан ушлаб қўриб ишонган бўлсак, энди платформанинг рейтингини, фойдаланувчилар шарҳи ва алгоритмларига таянаемиз. Бу – «рақамли ишонч» институтининг шаклланишидир. Инсон омилдан тизим омилга ўтиш иқтисодиётни шаффофлаштирмоқда.

Логистика инқилоби: Бир кун ичида етказиб бериш хизмати истезмолчилик маданиятини тубдан ўзгартирди. "Бугун керак" тушунчаси энди ҳашамат эмас, балки стандартга айланган.

Telegram:

Ўзбекистоннинг рақамли "майдони"
Агар дунё учун Telegram шунчаки мессенжер бўлса, Ўзбекистон учун бу – параллел воқелик. Бу ерда давлат идоралари ҳалқ билан гаплашади, тадбиркорлар ўз молларини сотади ва жамият ўз фикрини шакллантиради.

Ахборот монополияси: 25 миллиондан ортиқ фойдаланувчи ва кўнги 1,3 миллиард марта қўриладиган постлар Telegramни мамлакатнинг асосий ахборот майдонига айлантирди. Анъанавий ОАВ ўрнини тезкор каналлар эгаллади.

Бизнеснинг "уйи": кичик ва ўрта бизнес учун Telegram энг арзон ва самарали сотув каналига айланган. СММ, боғлар ва тўлов тизимларининг интеграцияси "чат ичидаги иқтисодиёт"ни яратди.

Ижтимоий лифт: бу майдонда ис-талган овоз, агар у долзарб бўлса, бир неча соат ичида миллионларга етиб боради. Бу эса ижтимоий назоратнинг янги шаклини вужудга келтирди.

Янги даврнинг ҳулосаси: Платформалар бизга қулайлик бериш билан бирга, зиммамизга янги масъулият ҳам юкламоқда. Биз нафақат истезмолчи, балки улкан маълумотлар базасининг бир қисминиз. Энди ҳаётимизнинг сифати смартфондаги иловаларнинг қанчалик тўғри ва хавфсиз ишлашига боғлиқ. Ўзбекистон рақамли келажакка шунчаки кириб бормаяпти, ўз ички бренди ва майдонлари орқали уни фаол барпо этмоқда.

"ЭЛЕКТРОН БОШЛИК" ВА МЕХНАТНИНГ ЯНГИ РАҚАМЛИ ҚИЁФАСИ

Рақамли трансформация нафақат харид қилиш усулиминизни, балки энг муҳим жараён — меҳнат бозорини ҳам таъбиқ бўлмас даражада ўзгартирди. Бугун юз минглаб ватандошларимиз учун "бошлик" тушунчаси жисмоний шахсдан математик кодга кўчди. Биз "Алгоритмик бошқаруш" даврига қадам қўйдик.

Алгоритмик бошқарув: темир интизом ва математик аниқлик

Анъанавий корхоналардаги раҳбар ўрни энди мураккаб алгоритмлар эгаллади. Масалан, Яндекс Ғо ҳайдовчиси ёки Uzum Tezkoг курьерига ким буйруқ беради? Қим унинг иш сифатини баҳолайди? Жавоб битта: тизим.

Рейтинглар ҳукмронлиги: ишчининг самарадорлиги энди "юлдузчалар" ва мижозларнинг баҳолари билан белгиланади. Биргина паст баҳо ёки кечикиш алгоритм томонидан "жазолашниши" ва ишчининг даромадидаге бевосита таъсир қилиши мумкин. Бу – инсон омиллини истезмо килувчи, лекин ўта шафқатсиз аниқлик билан ишловчи механизмдир.

Меҳнатнинг "атомизацияси" (парчаланиши): илгари жамоавий меҳнат ва касба юшмалари мавжуд эди. Эндиликда ҳар бир ишчи тизим қаршида яқка ўзи туради. У нафақат бошқа ҳамкасбларидан узилган, балки тизимнинг кичик бир бўлаги (атомига) айланган.

Хавф ва имконият: ички тилги қилич

Бу янгилик меҳнат муносабатларида ҳам янги имкониятлар, ҳам жиддий хатарларни юзага чиқарди:

1. **Эркинлик алдамчилиги:** тизим ишчиға "истаган вақтингда ишла" деган эркинликни тақдир қилади. Аммо алгоритм энг даромадли буюртмаларни фақат "тизимда узоқ қолганларга" бериши орқали инсонни сезилмас равишда кўпроқ ишлашга мажбур қилади. Бу эса "рақамли тобелик"нинг янги шаклидир.

2. **Ижтимоий химоя масаласи:** платформалар ва ишчи ўртасидаги муносабатлар кўпинча "шериклик" деб аталади, аммо бу ерда меҳнат шартномаси, таътил пули ёки касаллик варақаси каби ижтимоий қароқчилик йўқ бўлиб кетмоқда.

3. **Самарадорликнинг юқори чўққиси:** ижобий томони — алгоритмлар инсон қила олмайдиган тезликда ресурсларни тақсимлайди. Бу эса хизматлар нархини арзонлаштиради ва минглаб одамларни тезкор иш билан таъминлайди.

Рақамли келажакдаги "Инсон"
"Электрон бошлик" – бу шунчаки технология эмас, бу иқтисодий муносабатларнинг янги конституцияси. Биз инсон меҳнатини кодлар тилига ўгираётган даврда яшаймиз. Эндиликда давлат ва жамият олдида янги вазифа турибди: қандай қилиб алгоритмлар самарадорлиги ва инсон кадр-қиммати ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолиш мумкин?

ХУЛОСА қилиб айтганда, меҳнат бозорининг рақамлашиши – қайтариб бўлмас жараён. Аммо биз ушбу "рақамли тўқима" ичида инсон шунчаки "ресурс" ёки "функция" эмас, балки шахс бўлиб қолишини таъминлашимиз зарур.

МАЪЛУМОТЛАР – ЯНГИ АСРНИНГ "ОЛТИНИ" ВА СТРАТЕГИК РЕСУРСИ

Инсоният тарихида бойлик манбаи ўзгариб борди: аввал бу ер эди, кейин санаят инқилоби даврида капитал ва заводлар бўлди. Бугунги кунда эса энг қимматли актив — бу Маълумот (Data). Агар XX асрда нефть иқтисодиётини ҳаракатга келтирган бўлса, XXI асрда бу вазифани алгоритмлар ва рақамли излар бажармоқда.

Датафикация:

Ҳаётининг рақамли акс этиши
Биз истаимизми-йўқми, ҳар бир ҳаракатимиз "рақамли из" қолдиради. Датафикация — бу инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасини маълумотга айлантириш жараёнидир.

Ҳар бир қадам назоратда: сизнинг ижтимоий тармоқдаги биргина "лайк"ингиз, Google'даги қидирув сўровингиз, хариддаги ҳаракатингиз ва онлайн харидларингиз платформалар учун бебаҳо хомашёдир. Сиз шунчаки пост кўрмайсиз, сиз тизимга ўзингиз ҳақингиздаги энг махфий маълумотларни — дидингиз, қўруқ ва эҳтиёлларингизни топширяйсиз.

Инсон — "Маълумотлар қони": платформалар учун биз энди шунчаки фойдаланувчи эмасмиз, биз — тинимсиз маълумот ишлаб чиқарувчи "рақамли қон"имиз.

Прогнозлаштириш иқтисодиёти:

Сиздан бир қадам олдинда
Замонавий иқтисодиёт энди фақат тақдир бериш билан чекланмайди, у баъшорат қилади. Алгоритмлар сизни ўзингиздан кўра яхшироқ танийди.

Интиқомли маркетинг: сиз ҳали чанқоқни ҳис қилмасингиздан, иссиқ кунда телефоннинг экранидан салқин ичимлик рекламаси пайдо бўлади. Бу тасодиқ эмас, балки алгоритмнинг сизнинг жойлашган жойингиз, ҳаво ҳарорати ва оdatий хатти-ҳаракатларингиз асосида чиқарган ҳукмидир.

Иқтисодий фойданиннг юқори чўққиси: компаниялар энди товар сотиш учун реклама бермайди, улар "сотиб олиш" эҳтимоли юқори бўлган лаҳза"ни сотиб олишади. Бу — иқтисодий ресурсларни исроф қилмай, нишонга аниқ уриш санъатидир.

РАҚАМЛИ СУВЕРЕНИТЕТ ВА ШАХСИЙ ДАХЛИСЛИК

Маълумотларнинг "олтин"га айланиши иккита жиддий саволни ўртага ташлайди.

1. **Маълумот қимга тегишли?** Агар менин маълумотимдан компания миллиардлар ишлаётган бўлса, бунда менин улушим қани?

2. **Танлов эркинлиги қаерда?** Алгоритмлар бизга фақат биз ёқтирган нарсаларни кўрсатиш орқали бизни "маълумотлар пуфғали" (filter bubble) ичиға қамаб қўймайтимми?

ХУЛОСА: маълумотлар — бу янги асрнинг ёқилгиси. У жамиятни қулайроқ, тиббиётни аниқроқ ва иқтисодиётни самаралироқ қилади. Бироқ бу "олтин талвасаси" даврида инсон ўзининг рақамли акси устидан назоратни йўқотиб қўймаслиги шарт. Биз яшаётган янги дунёда энг катта бойлик — бу нафақат маълумотга эга бўлиш, балки уни бошқара олишидир.

РАҚАМЛИ ҲУКУМАТ – БЮРОКРАТИЯДАН "ПЛАТФОРМАЛИ ДАВЛАТЧИЛИК"КА ЎТИШ

Илгари давлат хизматидан фойдаланиш учун ҳафталаб вақт ва юзлаб ҳужжат талаб этиларди. Бугун эса Ўзбекистон давлат бошқарувининг янги модели — "Платформали давлатчилик" концепциясига ўтмоқда. Бу ерда фуқаро ва амалдор ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқот минималлашиб, жараёнлар алгоритмлар зиммасига юкланган.

Халқаро эътироф:

Ўзбекистон топ-30 талиқда
Рақамли ислохотлар шунчаки ички жараён эмас, балки глобал миқёсда тан олинган ютуққа айланган.

GTMI (GovTech Maturity Index) рейтинг: Жаҳон банкининг ушбу индексида Ўзбекистон 198 та давлат ичида 24-ўринга (энг сўнги янгилашган маълумотларга кўра) кўтарилиди ва "энг илгор мамлакатлар" (А гуруҳи) қаторидан жой олди. Бу — давлат бошқаруви архитектураси дунёнинг энг замонавий стандартларига тўлиқ мос келишини аниқлатади.

Рақамли очиқлик: давлатнинг рақамли инфратузилмаси нафақат хизмат кўрсатиш, балки коррупцияни жилволаш ва шаффофликни таъминлаш воситасига айланган.

My.gov.uz:

Ҳаётимизнинг "рақамли қалити"
Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЙИДХП) бугунги кунда Ўзбекистон фуқароси учун энг керакли иловага айланган.

760 дан ортиқ хизматлар: сугурта полисини расмийлаштиришдан тортиб, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказишгача — барчаси битта тизимда. Бу эса йилга миллионлаб соат вақт ва миллиардлаб сўм маблағ тежалиши демакдир.

"Бир марталик маълумот" талоқли: Энди давлат идораси фуқародан бошқа бир давлат идорасида мавжуд бўлган маълумотни (масалан, турар жой ёки оилавий аҳвол ҳақида маълумотнома) талаб қилишга ҳаққи йўқ. Тизимлар ўзаро "гаплашиши" ўрганди.

Проактив хизматлар:

Муаммо тугилмасдан ечим бериш
Рақамли ҳукуматнинг энг юқори босқичи — бу проактивлик. Яъни, давлат фуқаронинг муносабатини кутмайди, балки унинг эҳтиёлларини олдиндан биледи.

Автоматик ижтимоий химоя: масалан, фарзанд дунёга келганда, "суюнчи" пули ҳеч қандай аризасиз, тугруқхонадан олинган маълумот асосида автоматик равишда онаниннг қартисига ўтказилади.

Хабардор қилиш тизими: ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугаши, навбатдаги тиббий кўрик ёки солиқ мажбуриятлари ҳақида тизимнинг ўзи олдиндан эслатади.

ЯНГИ ДАВР ҚИЁФАСИ

Рақамли ҳукумат — бу шунчаки сайт ёки илова эмас. Бу давлатнинг фуқарога бўлган муносабати ўзгаришидир. Давлат энди "назоратчи" эмас, балки инсон ҳаётини енгилаштирувчи "сервис"га айланмоқда. Бюрократиянинг рақамли алгоритмларга алмашishi — иқтисодий ўсшш ва ижтимоий адолатнинг энг асосий пойдеворидир.

Қарор ва ижро

Инсон тақдири — унинг танловлари ва чиқарган ҳулосалари маҳсули. Ҳаёт синовларида адашган, қонун доирасидан четга чиққан шахслар тақдирни бугунги кунда мутлақо янгича ёндашув асосида ҳал этилмоқда. Жазо — фақат жазолаш эмас, балки инсонни қайта тарбиялаш, уни жамиятга муносиб тарзда қайтариш воситасига айланмоқда.

ОЗОДЛИККА — ҲУР ФИКР ВА МУНОСИБ КАСБ БИЛАН

Давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 27 мартдаги "Жазони ижро этиш муассасаларидаги ёшларни замонавий касбларга ўқитишга оид чора тadbирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридagi Жазони ижро этиш департаменти тизимида амалга оширилаётган ислохотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, иккинчи минтақавий ҳудудга қарашли 6-сон жазони ижро этиш колониясида ўтказилган ўрганишлар ана шу янгилашларнинг амалий ифодаси сифатида эътиборга молик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Наманган вилоятидаги минтақавий вакилининг маҳкумлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг муносабатлари билан ишлаш, тизимда очиқлик ва адолат тамойилларини мустақамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари бугун ўз самарасини бераётгани кузатишмоқда.

Жумладан, маҳкумлар минтақавий вакил билан жамоавий ва холи ўтказилган суҳбатларда уларнинг ҳар бир муносабати назоратга олинаётганлигини ва ижобий ҳал этилаётганлигини, муносабатларга ҳуқуқий тушунтиришлар берилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Колонияда маҳкумлар учун яратилган шарт-шароитлар ҳар томонлама таҳлил қилинди. Эътиборли жиҳати шундаки, маҳкумларнинг қарийб 80 фоизи меҳнат билан банд қилинган. Маҳкумлар 19 турдаги касб-ҳунарға ўқитилиб, ўқишни муваффақиятли битирганлар уч тилдаги сертификатларга эга бўлмоқда. Бу эса уларнинг озоодликка чиққанидан сўнг жамиятга ўз ўрнини топиши учун мустақам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Маҳкумлар бугунги кунда уларга яратилган шароитлардан — яқин қариндошлар билан узоқ муддатли учрашувлар, видео телефон алоқаси орқали сўзлашув ҳамда савдо учун буюртма терминаллари фаолиятдан мамнун эканликларини билдирдилар.

Айниқса, маҳкумлар муносабатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ишлар алоҳида эътирофга лойиқ. Сўнги вақтларда шикоятлар сонининг камайганлиги муассасада инсон ҳуқуқлариға рияоз этиш даражаси ошиб бораётганининг яққол далилидир.

Бу эса, ўз навбатида, ишонч муҳитини мустақамлаб, маҳкумларда адолатга бўлган ишончни кучайтирмоқда.



Муассасадаги маънавий-маърифий муҳит ҳам эътибордан четда қолмаган. 12 минга яқин китоб фондига эга кутубхонанинг, замонавий ахборот-коммуникация воситалари орқали яқинлари билан мулоқот қилиш имкониятлари, турли тўғрақларнинг фаолият юритиши маҳкумларнинг маънавий камолотини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, халқаро тил сертификатларини олиш имконияти яратилганлиги эса уларнинг келажак ҳаёти учун янги имкониятлар эшикларини очмоқда.

Ташрифлар доирасида Наманган вилояти касбий таълим бошқармаси томонидан 198 нафар маҳкумга касбга йўналтирувчи сертификатлар ҳамда 200 га яқин бадий адабиётлар топширилди. Бу эса маҳкумларнинг жамиятга қайта мослашуви учун амалий кўмак сифатида хизмат қилади.

Энг муҳими, маҳкумлар билан юзма-юз суҳбатлар давомида уларнинг ички кечинмалари, қилган ҳатоларига муносабати ўрганилди. Кўплаб маҳкумларда чин дилдан пушаймонлик, ҳаётга нисбатан янгича қараш шаклланаётгани кузатилди. Бу эса олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг самарадорлиги ошиб бораётганлигидан далolat бермоқда.

Шу нуқта назардан, ўз хатосини англаган ва тўғри йўлга қайтишга интилган маҳкумларга нисбатан қонун доирасида енгилик бериш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу нафақат инсонпарварлик тамойилларининг амалий ифодаси, балки жамият ҳавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилдир.

Колония тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи Хусниддин Гапаров таъкидлаганидек, инсонни фақат жазо орқали эмас, балки маънавият, меҳнат ва билим орқали ўзгариши мумкин. Зеро, касб эгаллаган, мутлолаа қилган инсон жамиятга ўз ўрнини топа олади.

Хулоса ўрнида айтдиган бўлсак, бугун жазони ижро этиш муассасаларида амалга оширилаётган ислохотлар инсонни жазолашдан кўра, уни жамиятга қайта тайёрлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

"Адолат" СДП Наманган вилояти кенгаши матбуот хизмати

Соҳибқирон фаолиятига янги назар

Соҳибқирон Амир Темур ҳақида тарихчи олимлар томонидан ёзилган кўплаб тадқиқотлар, қатор тарихий романлар китобхонлар қўлига етиб борган. Аммо фалсафа, тарих ва сиёсатшунослик фанлари кесимида, фанлараро ёндашув асосида олиб борилган тадқиқотлар, айниқса, Амир Темур шахси ва унинг давлатчилик фаолияти масаласига бағишланган илмий асарлар деярли учрамади. Соҳибқироннинг 690 йиллигига бағишланган профессор Тўлқин Алимардоновнинг «Амир Темур империяси» китоби ана шу жиҳатдан янги темуршунослик йўналишига туртки берган муҳим тадқиқот бўлди.

Баҳриддин УСМОНОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Китобда Амир Темур давридаги сиёсий жараёнлар, давлатчилик тажрибаси ва тарихий воқеаларнинг сиёсатшунослик нуқтаи назаридан талқини тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилган. Асар замонавий тарихшунослик ва сиёсатшунослик фанларида кузатилаётган методологик янгиланишлар билан уйғун ҳолда ёзилган.

Асарнинг энг муҳим жиҳатларидан бири сифатида тарих ва сиёсатшунослик фанларининг ўзаро интеграцияси асосида тадқиқот олиб борилганини беҳиз кўрсатаётганимиз йўқ. Муаллиф тарихий воқеа ва ҳодисаларни нафақат хронологик тартибда ва таърифий услубда, балки сиёсий қарорлар қабул қилиш механизми, унга таъсир этувчи омиллар, ҳокимият легитимлигини таъминлашнинг ўз даври учун хос бўлган услублари, элита ва жамият ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиб бориш хусусиятлари, уйғунлашуви нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиққан. Бу эса Амир Темур империясини мураккаб сиёсий тизим, ўтроқ ва кўчманчи маданиятнинг синтезлашувининг ўзига хос кўриниши сифатида англаш имконини беради.

Айниқса, геосиёсий стратегия, давлатчилик концепцияси ва уларнинг ечимида ўша давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ҳарбий сиёсат масалалари тарихий далиллар билан бир қаторда сиёсий назариялар орқали таҳлил қилинган фанлараро ёндашув самарасини янада боғитган. Муаллиф Евросиё маконида шаклланиган сиёсий муҳитни ягона геосиёсий макон, ягона геосиёсий тизим сифатида баҳолаб, Амир Темур империясининг минтақавий ва глобал аҳамиятини очиб берган.

Фанлараро ёндашув ҳозирги даврда олиб борилган тадқиқотлар учун энг муҳим ахтиёж бўлиб қолмоқда. Чунки бу ёндашув асарнинг қиймати ошириб, унинг хулосаларини кенгроқ илмий майдонга олиб чиқади ва натижаларидан амалиёт учун фойдаланиш имконини яратди. Тарихий материалларни сиёсатшунослик категориялари орқали таҳлил қилиш давлатчилик тарихи, империялар эволюцияси ва сиёсий маданият масалаларини янги ёндашувлар асосида чуқурроқ очиб беришга хизмат қилади.

Амир Темур фаолиятига анъанавий тарихий қахрамон сифатида эмас, реал сиёсий арбоб, «йирик сиёсий раҳбар» сифатида ёндашилади. Унинг ҳарбий юришлари, маъмурий ислохотлари ва таъқиқоти сиёсати муайян сиёсий мақсадлар, стратегик манфаатлар ҳамда геосиёсий вазият билан боғлаб таҳлил қилинади. Айниқса, Темурнинг Жўжи улуси, Усмонийлар давлати билан рақобатининг сиёсатшунослик нуқтаи назари билан амалга оширилгани ўша даврдаги дунё тартиботини геосиёсий жиҳатдан тушуниш ва бу жараёнда Соҳибқирон фаолиятининг асосий йўналишларини англаш имконини беради.

Сиёсий қарорлар қабул қилиш жараёни, «кенгаш» институти, элита билан муносабатлар ва ҳокимиятнинг марказлаштириш сиёсатини сиёсатшунослик категориялари орқали таҳлил этиш натижасида Амир Темур давлатининг барқарорлиги ва ривож топиши тасодифий эмас, балки онгли равишда шаклланиган ва ривожланиб борган сиёсий тизим натижаси экани намоён бўлади. Шунингдек, ташқи сиёсат масалаларида муаллиф Темур дипломатияси ва дипломатик услубларини, анъаналарини халқаро муносабатлар назарияси нуқтаи назаридан ёритиб, унинг қўшни давлатлар ва йирик сиёсий кучлар билан муносабатларидаги прагматик ва стратегик ёндашувини очиб берган.


Боблар орасидаги узвий боғлиқлик ўқувчини умумий тарихий манзарани ҳис қилиш ва ундан аниқ сиёсий хулосалар олиш имконини беради. Дастлабки бўлимларда тарихий манбалар ва илмий адабиётлар асосида умумий сиёсий вазият ёритилиб, кейинги қисмларда аниқ сиёсий институтлар, қарор қабул қилиш жараёнлари ва давлат бошқаруви механизмлари таҳлил қилинган. Масалаларнинг бундай динамик қўйилиши китобни ўқиш жараёнида илмий қизиқишни сақлаб қолади ва муаллиф хулосаларининг ишончлилигини оширади. Шу жиҳатдан асар илмий монография учун хос бўлган ички мантқиқий яхлитликка, асосли яқини хулосаларга эга.

Асарда жаҳон тарихшунослиги ва сиёсатшунослигида кенг қўлланилаётган қатор методологик ёндашувлардан самарали фойдаланилган. Хусусан, қийсий-таҳлилий усул, тизимли ёндашув ва институционал таҳлил методлари китоб мазмунини ўз ифодасини топган. Бу эса Амир Темур империясини бошқа тарихий империялар билан қиёслаш, умумий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаш имконини беради. Шунингдек, муаллиф тарихий манбаларни танқидий таҳлил қилиш, уларни сиёсий контекстда қайта ўқиш орқали замонавий илмий талабларга жавоб берадиган хулосалар чиқаради.

Амир Темур даври ҳақида сўз юритилар экан, бир қатор ҳали тўлиқ идрок этилмаган, баҳсли масалалар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Муаллиф ушбу масалалар бўйича ҳам ўз фикрлари ва қарашларини ўртага ташлайди. Шундай илмий муаммолардан бири сарбадорлар масаласидир. Сарбадорлар ҳаракати қандай шаклланди, қандай тарихий жараёнлар оқибатида улар тарих саҳнасига чиқди? Сарбадорларнинг мақсадлари нима эди? Уларнинг юғлари қандай тарихий илдиларга эга? Бу каби қўплаб саволлар юзасидан келажакда олимлар томонидан яна янги қарашлар, фикр-мулоҳазалар билдирилиши табиий. Китобда сарбадорлар ҳаракатининг илдилари, моҳияти ҳақида сўз юритилар экан, аввало, бу ҳаракат мўғул истибдоди емирлаётган даврда Эронни Туронни қамраб олган бошбошдоқлик, ўзаро низолар авжга чиққан вақтда халқ омасининг манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган интилишининг бир кўриниши эканлигига ургу берилган.

Масаланинг мураккаблик томонларидан бири шундаки, Амир Темур Эрондаги сарбадорлар давлатини тугатган бўлса-да, сарбадорлар ва уларнинг раҳбарлари узок йиллар Соҳибқиронга хизмат қилиб келганлар. Ўрни, Темур сарбадорларни сиёсий ва ҳарбий куч сифатида эътироф этган ва уларни ўзининг геостратегик мақсадлари йўлида сафарбар эта олган. Чунки улар ўртасида ўзаро мақсадларнинг муштараклик жиҳатлари мавжудлиги тарихий жараённинг бундай ривожланишига имкон берган. Тарих фани шахслар тарихидан иборат бўлиб қолаётган ҳозирги вақтда, асарда сарбадорлар ҳаракатининг бундай тарзда ёритилиши ҳам ўзига хос ютуқдир.

Асарда таҳлил этилган муҳим масалалардан яна бири – Амир Темур ва Тўхтамишхон ўртасидаги ихтилофлардир. Бу масалага бағишланган бошқа қўплаб тарихий асарларда эътибор бўлиб ўтган воқеаларнинг баёнига қаратилган. Масала сиёсатшунослик фани нуқтаи назаридан кўриб чиқилмаган, ихтилофларнинг ривожланиб бориш динамикасининг геостратегик илдилари, сабаблари очиб берилмаган. Мазкур китобда эса муаллиф геосиёсий жиҳатдан Тўхтамишхон давлати билан Амир Темур империясининг тўқнашувини Олтин Ўрда билан XIII аср охири-XIV асрдаги элхонийлар империяси ўртасидаги эски зиддиятларнинг жонланиши, қайта тикланиши сифатида кўради. Бу борада эски ва янги, курашнинг дипломатик тенденциялари ўхшашлиги, яъни Тўхтамишхоннинг мамлуклар қўллаб-қувватлашига эришишга уриниши муҳим далил сифатида кўрсатилади. Чиндан ҳам Тўхтамишхон Амир



Темурнинг соҳиб элхонийларга қарашли бўлган ҳудудларни бирин-кетин эгаллаб олаётганлигига бефарқ қараб тура олмасди. У Амир Темур давлатининг кучайиб боришидан манфаатдор эмас эди. Шунинг учун ҳам Амир Темур Эронда дастлабки муваффақиятларга эриша бошлаган 1385 йилдаёқ Тўхтамишхон Мисрга элчилар юбориб, Олтин Ўрда ҳукмдорларининг аввалги сиёсатини давом эттириб, улар билан Соҳибқиронга қарши иттифоқ тузишга интилади.

Олтин Ўрда ва Турон давлати ўртасидаги курашнинг моҳиятида Буюк Ипак йўли устидан ҳукмронлик учун кураш масаласи ҳам ётарди. Савдо йўлининг шимолий тармоғи устидан ўз назоратини ўрнатган Олтин Ўрда Озарбайжон орқали ғарбга борадиган жанубий йўлга эгалик қилишни истарди. Бу эса Турон давлатининг манфаатларига бутунлай зид эди. 1385 йили Тўхтамишхоннинг Озарбайжонга бостириб кириши, бунга жавоб сифатида Амир Темур томонидан уч йиллик юришнинг бошланиши тарихий жараёнларнинг мантқиқий ривожланиши сифатида кўрилади. Муаллиф Турон ва Олтин Ўрда манфаатлари тўқнашган ҳудудлардан бири Хоразм эканлигини тўғри таъкидлаган ҳолда, масалага геостратегик нуқтаи назардан ёндашади ва бу ердаги ҳукмрон сулола ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш мақсадида Тўхтамишхон пинжига киришга қарор қилганини таъкидлайди. Асарда Тўхтамишхон Амир Темур билан узли-кесил олишуви олдидан кўра билгани ҳолда, буюк амир ҳарбий кучларининг бир қисмини ўзига қарата оладиган иттифоқчиларни излаганлигига ургу берилди.

Олтин Ўрда ва Турон давлатлари ўртасидаги зиддиятлар Жўжи улусининг парчаланишига ўз таъсирини кўрсатди. Бу эса муаллиф нуқтаи назари бўйича Евросиё минтақасида янги дунё тартиботининг шаклланишига йўл очиб берди. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, Жўжи улусининг парчаланиши, аввало, унинг ҳудудидан юз берган ихтилофий-иқтисодий жараёнларнинг натижаси эди. Бу парчаланиш Амир Темурга ҳам юз берган ва Тўхтамишхон уни бир қадар тиклашга, тарқоқлик жараёнини бир муддат тўлатишга эришганди. 1391 ва 1395 йилларда бўлиб ўтган Қўндузча ва Терек жангларидан Жўжи улуси лашкарларининг тор-мор келтирилиши эса бу жараённинг тезлаштирган эди, холос. Тўхтамишхон ва Амир Темур ўртасидаги ихтилофлар масаласи бўйича олиб борилган таҳлил Евросиё минтақасидаги сиёсий-ҳарбий ҳаракатлар манзарасининг геостратегик илдиларини очиб, унинг асл мазмун-моҳиятини англаш, бугунги кун учун ҳам муҳим сабоқлар чиқариш имконини беради.

Амир Темур тарихига оид ёзилган асарларда Соҳибқирон ва Султон Бозид ўртасидаги муносабатлар эътибордан четда қолмаслиги аниқ. Икки йирик империянинг тўқнашуви дунё тарихига таъсир ўтказган энг муҳим воқеалик эди. Асарда бу масалага ўша даврда сиёсий ва ҳарбий ҳаракатлар динамик ривожланиши, улкан геополитик майдондаги манфаатлар тўқнашувларининг умумийликлари ва зиддиятларининг, шу асосда олиб борилган дипломатик ҳаракатларнинг яқиний натижаси сифатида қаралган. Тўқнашувнинг юзага келиши сабаблари, тўқнашувдан манфаатдор томонларнинг фаолияти, ушбу зиддиятни бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг бесамар кетишига олиб келган омиллар комплекс таҳлил этилган. Бу илмий муаммо киминдир оқлаш ёки киминдир қоралаш мақсадида эмас, балки тарихий тараққиёт қонунларига, тарихий жараёнларнинг ривожланиш хусусиятларига таянган ҳолда асл воқеликни кўрсатиб бериш йўлида тадқиқ этилгани билан эътиборлидир.

Хулоса қилиб айтганда, «Амир Темур империяси» китоби тарих ва сиёсатшунослик фанлари кесимида олиб борилган муваффақиятли фанлараро тадқиқот намунаси. Асар тарихий воқеаларни замонавий сиёсий таҳлил воситалари орқали қайта англашга хизмат қилади ва миллий ҳамда жаҳон фани учун муҳим илмий хулосаларни тақдим этади.

Курултой, кенгаш ва машварат:

Қарор қабул қилиш таомили

Бугунги глобаллашув, геосиёсий вазиятлар ва кескин рақобат шароитида давлат бошқарувининг самарадорлиги, аввало, қабул қилинаётган қарорларнинг тўғрилиги, адолатчилиги ва пухталиги билан белгиланади. Бу эса, ўз навбатида, қарор қабул қилиш маданияти қай даражада шаклланиганига бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий давлатчилигимиз тарихида алоҳида ўрин тутган Амир Темур давридаги бошқарув тажрибаси нафақат тарихий аҳамиятга, балки долзарб амалий қимматга ҳам эга.

Кўпинча Амир Темур фаолияти фақат ҳарбий юришлар ва ғалабалар билан боғлаб талқин этилади. Аслида эса Соҳибқирон томонидан барпо этилган давлатнинг мустақамлиги ва узок муддатли барқарорлиги унинг пухта ўйланган бошқарув тизими, хусусан, қарор қабул қилиш маданияти ва унинг институционал асослари билан чамбарчас боғлиқдир.

Шўҳрат ЁҚУБОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси



ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ – давлат бошқарувининг юраги

Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати фақат ресурслар ёки ҳарбий салоҳият билан эмас, балки тўғри қарор қабул қилиш қобилияти билан ўлчанади. Амир Темур бу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, давлат бошқарувини муайян қоидалар ва тамойиллар асосида ташкил этган.

«Темур тузуқлари» да келтирилган қуйидаги фикр бунинг яққол исботидир: давлат ишларининг асосий қисми кенгаш, машварат ва тадбир билан амалга оширилиши, фақат кичик қисмига куч ишлатиш орқали ҳал қилиниши таъкидланади. Бу эса Соҳибқирон бошқарувида ақл ва маслаҳат кучдан устун қўйилганини кўрсатади.

Демак, Амир Темур давлатчилигининг асосий устуни – бу қарор қабул қилишнинг мукамал ва тизимли механизми бўлган.

ҚУРУЛТОЙ – олий сиёсий институт

Амир Темур давлатида қарор қабул қилиш тизимининг энг юқори поғонаси курултой ҳисобланган. У давлат ва жамият ҳаётидаги энг муҳим масалалар муҳокама қилинади ва ҳал этиладиган олий сиёсий майдон вазифасини бажарган.

Тарихий манбаларга кўра, 1370 йилда Амир Темурнинг ҳокимиятга келиши айнан курултой орқали қонийлаштирилган. Бу эса мазкур институтнинг нафақат маслаҳат органи, балки легитимлик манбаи бўлганини кўрсатади.

Курултойларда ҳарбий юришлар масаласи, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, сулҳ ва иттифоқ шартлари, ички бошқаруви оид муҳим қарорлар муҳокама қилинган. Энг муҳими, курултойда турли қатлам вакиллари – амирлар, саркардалар, давлат амалдорлари, уламолар ва ҳатто ҳудудий вакиллар иштирок этган. Бу эса қарор қабул қилиш жараёнида жамоавийлик ва фикрлар хилма-хиллигини таъминлаган. Айрим тадқиқотчилар курултойни илк парламентаризм шакли сифатида баҳолашади. Чунки у жамоавий муҳокамага асосланган, халқ иродасини ҳисобга олган, қарорларнинг очиклигини таъминлаган.

Бу жиҳатлар бугунги демократик институтлар билан ҳамоҳанг эканини кўриш қийин эмас.

ҚУРУЛТОЙ – легитимлик ва барқарорлик кафолати

Курултой фақат муҳокама майдони бўлиб қолмасди, давлат ҳокимиятининг барқарорлигини таъминловчи муҳим механизм вазифасини ҳам ўтаган. Чунки у орқали қабул қилинган қарорлар жамоа томонидан қабул-қувватланган ва шу боис ижроси самарали таъминланган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, курултойда қабул қилинган қарорлар барча учун мажбурий бўлган ва уларнинг ижроси қатъий назорат қилинган. Бу ҳолат қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш ўртасидаги узвий боғлиқликни таъминлаган.

КЕНГАШ – таҳлил ва интеллектуал саралаш механизми

Курултойдан фарqli равишда, кенгаш доимий фаолият юритувчи маслаҳат органи сифатида хизмат қилган. Унда қарорлар қабул қилишдан олдин турли вариантлар чуқур таҳлил қилинган.

Амир Темур кенгашда турли фикрларни тинглаган, уларнинг ижобий ва салбий томонларини баҳолаган, эҳтимолий хатарларни ҳисобга олган. Бу жараён замонавий бошқарув назариясида «аналитик қарор қабул қилиш» деб аталади. Темурнинг ўзи ҳам таъкидлаганидек, ҳар бир ишга киришишдан олдин унинг оқибатлари чуқур ўйлаб кўриларган. Агар икки хатарли вариант мавжуд бўлса, улардан камроқ хавфлиси танланган.

Бу ёндашув қарор қабул қилишда эҳтиёткорлик ва стратегик фикрлаш устувор бўлганини кўрсатади.

МАШВАРАТ – адолат ва ҳақиқат мезони

Амир Темур бошқарувининг энг муҳим жиҳатларидан яна бири – бу машварат институтидир. Машварат орқали маълумотлар тўпланган, вазият ҳар томонлама баҳолаган, қарорлар пишитилган. Энг муҳим жиҳат шундаки, Соҳибқирон танқидий фикрга очик бўлган. У уламолардан мақтов эмас, балки ҳаққоний фикр талаб қилган. Бу ҳолат давлат бошқарувида холислик ва адолат устувор бўлганини кўрсатади.

Тарихий манбаларда келтирилишича, ҳатто шаклий масалаларда ҳам Амир Темур машваратга таянган. Бу эса унинг қарорлари ҳиссиёт эмас, балки ақл ва адолат асосида қабул қилинганини англайди.

Қарор қабул қилишнинг тизимли модели

Амир Темур даврида қарор қабул қилиш жараёни аниқ босқичларга эга бўлган: муаммони кўтариш – курултойда, муҳокама ва таҳлил – кенгашда, қарорни пишитиш – машварат орқали, ижрони таъминлаш – фармон ва назорат тизими орқали амалга оширилган. Бу тизим замонавий бошқарувдаги «коллегиал муҳокама+марказлашган қарор» моделининг илк кўринишидир.

Илмий-амалий аҳамияти

Амир Темур давридаги бошқарув тажрибаси қуйидаги муҳим хулосаларни беради: қарор қабул қилишда жамоавий фикр муҳим; очик муҳокама ва танқид самарадорликни оширади; марказлашган ҳокимият ва вакилий институтлари уйғун бўлиши керак; адолат – барқарорликнинг асосий омилдир. Энг муҳими, бу тизимда куч зўравонликка эмас, балки адолатли қарорда намоён бўлади.

Бугунги кунда давлат бошқарувини такомиллаштиришда очиклик, ҳисобдорлик, жамоавий муҳокама, институционал қарор қабул қилиш каби тамойиллар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жиҳатлар Амир Темур давридаёқ амалда бўлганини ҳисобга олсак, унинг давлатчилик мероси бугунги ислохотлар учун ҳам муҳим назарий ва амалий асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ХУЛОСА

Амир Темур давридаги курултой, кенгаш ва машварат тизими самарали давлат бошқарувининг мукамал намунаси. У нафақат тарихий аҳамиятга, балки бугунги кун учун ҳам долзарб бўлган универсал тамойилларни ўз ичига олади. Бу мерос бизга шуни англайди: кучли давлат – бу кучли қарорлар натижаси. Тўғри қарор эса фақат ақл, маслаҳат ва адолат уйғунлигида вуқудда келади.

СОҲИБҚИРОН ҲИКМАТЛАРИ

Мен ҳаётим мобайнида беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамешалиғ уларга амал қилдим. Улар ушбулардир:
ОПЛОҲ – ул ҳар нарсага қодир куч, сидқидилдан сиғинсанг истаган муродо мақсудингга етказлади.
ТАФАККУР – фикрлаш ва мушоҳада қобилияти, қувваи ҳофизаси кучли инсон ҳар қандай мушкул мушкулдони осон қилиш йўлини топа олади.
ҚИЛИЧ – ул йигитнинг йўлдоши, эл-юрт осойишталигининг посбони, ҳар қандай душманни

маҳв этиш қуроли, қилиш қудрати ила динсизларни динга солмоқ мумкин.
ИМОН – ул инсонни барча жонлиқлардан фарқлатириб тургувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди, қариндош-уруғлари, элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қилади, ҳалоллик ва покликни фазилат билади.
КИТОБ (битик) – барча бунёдкорлик, яратувчилик ва ақл-идрокнинг, илму донишнинг асосидир, ҳаётини ўргатувчи мураббийдир.



ЖАМИЯТ ВА БИЗНЕС ЎРТАСИДАГИ ИШОНЧ КЎПРИГИ

"Murad Buildings". Бу деярли ҳар бир ватандошимиз учун таниш жумла. Таниқли тадбиркор, мазкур бренд таъсисчиси Мурод Назаров ҳақида гап кетганда, кўз олдимизда нафақат замонавий кўркам бинолар бунёдкори, балки юксак ижтимоий масъулиятни ўз елкасига олиб, турфа хайрли амаллари билан халқимиз қорига яраётган саховатпеша тадбиркор гавдаланади.

Албатта, бу борада айрим юртдошларимиз: "Пули кўп. Эл-юрт учун қилса қилибди-да", деган ҳаёлга бориши, у ҳақда турли муҳокамалар юриштишига гувоҳ бўлганмиз. Аслида-чи? Юксак муваффақият ва саховат чўққисига эришиш замирида фақатгина пул эмас, балки тақдирнинг аччиқ синонвларида тобланган ирода, тинимсиз меҳнат, билим ва эрта улғайишга мажбур қилган матонат ётганини ҳамма ҳам билмайди.

Бундан 46 йил муқаддам, 1980 йилнинг 16 ноябрида Тошкент шаҳрида туғилган қаҳрамонимиз оилада катта ўғил эди. У тақдирнинг оғир синови тўғайли 1994 йилда, энди ўсмирлик ёшига қадам қўйганида отасидан айрилади. Бу йўқотиш ёш Муроднинг зиммасига катта масъулият юклайди, уни ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарашга ундайди...

Билим олишга бўлган иштиёқ уни Тошкент давлат шарқшунослик институтидан Япониянинг нуфузли Цукуба университетига етаклади. Кейинчалик Тошкент давлат иқтисодий университетига магистратурасини тамомлагани эса унинг нафақат тажрибали амалиётчи, балки кучли стратег сифатида шаклланишига замин яратди.

Мурод Назаровнинг бизнесдаги йўли тасодифий муваффақият эмас, балки йиллар давомида шаклланган тизимли

бошқарув тажрибасидан иборат. Унинг меҳнат фаолиятига назар ташласак, ҳар бир босқич кейинги йирик лойиҳа учун ўзига хос пойдевор бўлганини кўрамиз. Жумладан, 2003–2013 йилларда "ISA NABI" МЧЖ таъсисчиси ва бош директори сифатида бошқарув санъатини амалиётда сынаб кўрди. 2010 йилдан бошлаб "AVALON GROUP" орқали бизнес соҳасидаги мавқеини мустаҳкамлади. 2014 йилда юртимизга қурилиш соҳасида мутлақо янги нафас олиб кирган "Murad Buildings" брендига асос солди.

Бугунги кунда у ушбу бренд остидаги қатор компанияларнинг бош маслаҳатчиси сифатида стратегик йўналишларни белгилаб бермоқда. 2015 йилда "FRANCHISING INVEST" орқали инвестиция ва франчайзинг соҳасидаги илғор гоъларни илгари сурди.

Бироқ унинг қиёфаси фақатгина қурилган бинолар ёки таъмирланган боғчалар билан чекланмайди. Тадбиркорнинг қалб саховати оила ва фарзанд тарбияси масаласида ўзгача, ҳатто хайратланарли даражада намоён бўлди. Кўпчилик учун қўтилмаган, аммо қаҳрамонимиз ва унинг турмуш ўртоғи томонидан келишиб қўйилган бир эгзу қадам ижтимоий тармоқларда катта акс-садо берди. 2022 йилда тадбиркор Меҳрибонлик уйдан бир йўла 9 бола – 7 қиз ва

2 ўғилни ўз бағрига, оиласига қабул қилди. Ушанда қаҳрамонимиз мазкур бахтдан жуда хурсанд эканини самимият билан таъкидлаганди.

Ушанда ҳам халқ орасида турли миш-мишлар оралаганди: "Мурод Назаров бефарзанд экан. Шунинг учун Меҳрибонлик уйдан фарзанд асраб олибди...", деганга ўхшаш. Ваҳоланки, ушанда у 5 нафар фарзанднинг отаси эди.

Бугун унинг хонадонидида 14 нафар фарзанд камол топмоқда. Бу – меҳр ва масъулият, инсонийлик ва жасоратнинг тимсоли. Аслида ўз фарзандлари қаторида асраб олинган болажонларга ҳам бирдек меҳр бериш, уларнинг порлоқ келажаги учун қафил бўлиш ҳар қандай тадбиркорлик муваффақиятидан устун турадиган энг олий миллий қадрият ҳисобланади.

Яқинда Мирзо Улугбек туманида жойлашган 556-сонли "Орзу" давлат мактабгача таълим ташкилотининг реконструкциядан сўнг тантанали очилиши Мурод Назаровнинг меценатлик фалсафасини яна бир бор намоён этди. 1980 йилда қурилган ва йиллар давомида ҳудуд аҳолиси учун хизмат қилиб келган бу маскан "Murad Buildings" компанияси томонидан "Regnum Plaza" турар жой мажмуаси доирасидаги ижтимоий лойиҳага асосан амалга оширилди. Қурилиш вазирлигининг тақлифига биноан бошланган ушбу иш натижасида бино замонавий қўлайлик ва сифат талабларига тўлиқ

жавоб берадиган кўркам масканга айланди.

Очилиш маросими ҳақиқий байрам бўлди. Карнай-сурнай садолари остида кесилган рамзий тасма боғча ҳаётида янги давр бошланганини аниқлади. Таъкидлаш жоизки, бу шунчаки таъмирланган бино эмас, балки ёруғ ва кенг хоналарга, замонавий ўйин ва таълим ўринларига эга, болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун яратилган файзли макондир. Давлат ва бизнес ҳамкорлиги орқали келажақ авлод учун сифатли муҳит яратиш мумкинлигини "Орзу" мисолида кўришимиз мумкин.

Партиямиз Сайловолди дастурида таълим соҳасида меценатлиқни ривожлантириш учун қўнунчилиқни тақомиллаштириш, тадбиркорлар, компаниялар, шахслар номи билан боғлиқ турли стипендиялар жорий этилишини қўллаб-қувватлаш белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, юқоридагилар ягона бир ҳақиқатни тасдиқлайди: меценатлиқнинг асл моҳияти – бойлиқнинг қўлпиғи эмас, балки қалбнинг кенглигидир.

Зеро, меценатлик нафақат моддий ёрдам кўрсатиш, балки жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, инсон капиталига инвестиция киритиш ва маданий меросни сақлашга хизмат қилади. Меценатлик жамият ва бизнес ўртасидаги ишонч кўприги сифатида намоён бўлиб, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилли ҳисобланади.

Орамизда Мурод Назаров каби фидойи тадбиркорларимиз бор экан, юртимизда ижтимоий адолат ва инсонпарварлик гоълари ҳаминча яшайверади. Биз бундай эгзу қадамларни нафақат эътироф этиш, балки уларни давлат миқёсида қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашда давом этамиз.


Партия ташаббуси

“Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!”

акцияси ўтказилади

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши ташаббуси билан Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмаси ҳамда “Нуроний” жамғармаси билан ҳамкорликда “Оилалар мустаҳкамлигини кафолатлайлик!” акцияси эълон қилинди.

Мазкур акция доирасида жорий йилнинг 22 апрелидан 22 майга қадар республикамизнинг барча ҳудудларида, маҳалла ва ташкилотларда тарғибот тадбирлари ўтказилади.



Ундан кўзланган асосий мақсад – маҳаллалардаги низоли, нотинч ёки аёллар ва болаларга тазйиқ ўтказилиши хавфи юқори бўлган хонадонларни аниқлаш, зўравонликка мойиллиги бор шахслар билан профилактик суҳбатлар ўтказиш орқали оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдан иборат.

Акциянинг устувор йўналишлари:

- ✓ қизларнинг билим олиши ва касб эгаллашни қўллаб-қувватлаш, 21 ёшдан кейин оила қуришнинг афзаллиқларини тарғиб қилиш, 21 ёшга тўлиб никоҳ қурган эҳтиёжманд ёшларга белгиланган субсидия ва судаларни олишда кўмаклашиш;
- ✓ ҳафтанинг бир кунидида маҳаллаларда “Фуқаролар қабули”, “Тиббий кўриклар” ва оилавий спорт мусобақалари ташкил этиш;
- ✓ аҳолига эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, хотин-қизларга нисбатан зўравонлик учун белгиланган янги жавобгарлик турлари (жумладан, аёлни қасддан ўлдириш – фемцид, таъқиб этиш – сталкинг ва ҳ.к.) ҳақида тушунтириш бериш;
- ✓ тазйиққа учраган аёллар аниқланганда, уларни касб-ҳунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш орқали иқтисодий мустақиллигини таъминлаш;
- ✓ қаровсиз қолган ёки зўравонлик қурбони бўлаётган болаларни аниқлаб, уларни зудлик билан ижтимоий ҳимояга олиш тизими йўлга қўйиш.

Тадбирларга маҳалла фаоллари ва нуронийлар жалб этилиб, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, шу билан бирга, зўравонлик ҳолатларини яширмаслик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Депутатлар ва ҳуқуқшунослар иштирокидаги сайёр қабулларда фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Акция якунида маҳаллаларда энг самарали фаолият юритган партия фаоллари 15 май – Халқаро оила кунини муносабати билан “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши томонидан рағбатлантирилади.

Партиямиз акциясида фаол иштирок этинг!

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

“Заковат” интеллектуал беллашуви ўтказилди

Партиянинг Бухоро вилояти кенгаши ташаббуси билан Бухоро шаҳридаги 29-мактабда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 690 йиллигига бағишланган “Заковат” интеллектуал беллашуви ташкил этилди. Тадбирда асосий эътибор ёшлар ўртасида тарихий меросга ҳурмат, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг билим ва тафаккурини ривожлантиришга қаратилди. Унда Бухоро шаҳридаги 13-, 19-, 29- ва 31-умумтаълим мактаби ўқувчиларидан иборат жамоалар голиблик учун курашди. Беллашувда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Гулчехра Равшанова иштирок этиб, ёшларнинг фаоллиги ва билимга чанқоқлигини алоҳида эътироф этди. У ўз сўзида Соҳибқирон Амир Темур мероси ёш авлод учун ибрат мактаби эканини кайд этиб, бундай интеллектуал лойиҳалар ўқувчиларнинг дунёқарашини юксалтиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.



Беллашув якунида голиб ва фаол иштирок этган жамоалар “Адолат” СДП Бухоро вилояти кенгаши томонидан диплом ҳамда сазалик совғалари билан тақдирланди. Мазкур тадбир ёшларнинг тарихий би-

лиmlарини бойитиш, уларни мустақил фикрлашга ундаш ҳамда интеллектуал салоҳиятини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

Бухоро вилоят кенгаши матбуот хизмати

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислон ХАМРОЕВ

Тахрир хайъати:

Робохан МАХМУДОВА
Баҳром АБДУХАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Мухаммад АЛИ
Гавхар АЛИМОВА
Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Озода ПАРШИБОВЕВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибиёт – 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
КўРСАТКИЧИ: 100

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 401

Адади – 4 012
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Газета 1995 йил 22 февралдан чика бошлаган

ISSN 2093-5217



Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиков

Тахририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Тахририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмохонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!